ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN, AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN

# Xabar

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI

www.xabar.cc.uz orif@infonet.uz habar@aci.uz

1992-yil martdan chiqa boshlagan

2004-yil, 14-may, 20(609)-son

Sotuvda narxi erkin

## ҲАФТАЛИК ХАБАРЛАР

☑ **Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Т.И.Жўраевни Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири этиб тайинлаш тўғрисида"ги Фармони эълон қилинди.**

☑ Ўзбекистон Мудофаа вазирининг таклифига биноан шу йилнинг 11-12 май кунлари Россия Федерацияси Мудофаа вазири С.Иванов республикамизга ташриф буюрди. Ташриф чоғида икки томонлама ҳарбий-техникавий ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди.

☑ **Президент Ислом Каримовнинг иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясида сўзлаган нутқи "Ватанимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ўз кучқудратимизга, халқимизнинг ҳамжиҳатлиги ва букилмас иродасига боғлиқ" номи билан нашрдан чиқди. Китобни Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг "Ўзбекистон" нашриёти кўп минг нусхада чоп этди.**

☑ Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Темурийлар тарихи давлат музейида Амир Темур давлати билан Кастилия ва Леон қироллиги ўртасида дўстлик алоқалари ўрнатилганлигининг 600 йиллигига бағишлаб илмий ва маънавий-маърифий тадбир ўтказилди ҳамда шу сана муносабати билан "Амир Темур —Клавихо — Самарқанд" деб номланган кўргазма очилди.

☑ **Ўзбекистон Республикаси адлия вазири А.Полвонзода бошчилигидаги ҳайъат ГФРда бўлиб қайтди.**

**Ташриф давомида мамлакатимиз вакиллари Германия Федерал адлия вазирлиги давлат котиби Х.Гайгер, Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш вазирлиги давлат котиби Э.Штатер ҳамда Берлин шаҳар сенати адлия департаменти раҳбари В.Кребс билан музокаралар ўтказди.**

**Мазкур мулоқотлар чоғида томонлар фуқаролик, процессуал, жиноий, суд-маъмурий ҳуқуқи масалалари, жазони ўташ амалиёти борасида фикр алмашдилар.**

☑ Наманган Давлат университетида "Ўзбекистонда икки палатали парламентни шакллантириш: ҳуқуқий асослар ва демократик мезонлар" мавзуида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

☑ **Тошкент вилоятидаги "БМКБ-Агромаш" акциядорлик жамиятида "Қишлоқ хўжалигини механизациялаштиришдаги юқори самарали техник воситалар конструкцияси ва илғор технологиялар" мавзусида кўргазмали семинар ташкил этилди.**

ALOQA KORXONALARIDA

# "СИРДАРЁ ТЕЛЕКОМ": ЭНДИ ФАҚАТ РИВОЖЛАНИШ САРИ

**ёки Сирдарёлик алоқачилар амалга ошираётган ибратли ишлар ҳақида**

***Кейинги икки йил ичида "Сирдарё Телеком" филиалида вилоят телекоммуникация тизимини ривожлантириш, аҳолига замонавий телефон алоқаси хизматини кўрсатиш, умуман олганда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Компютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш борасида талай ютуқлар қўлга киритилди. Биз бунга мазкур вилоятда бўлиб, амалга оширилган ишлар билан танишганимизда ҳам яна бир карра гувоҳ бўлдик.***

**Аввало** таъкидлашни истардимки, "Сирдарё Телеком" филиали биноси вилоятдаги энг кўзга кўринарли, муҳташам иншоотлардан бири экан. Шу боис филиални топиб бориш унча қийин бўлмади. Филиал ҳовлисига кириб борганимда эса ўзимни катта бир қурилиш майдонига тушиб қолгандек ҳис қилдим: бинонинг ташқи ва ички томонида сўнгги таъмирлаш ишлари олиб борилаётган эди. Бундан сирдарёлик алоқачиларнинг вилоят алоқа тизимини ривожлантиришга қатъий бел боғлашганларини англадим...

– Филиалимизда "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси томонидан тузилган "Кўрсатилаётган хизматлар сифатини ва ҳажмини ошириш дастури" доирасида талай ижобий ишлар бажарилди, – дейди филиал директори Амир Ғозиев. – Жумладан, Янгиер шаҳар алоқа боғламаси тасарруфидаги "Керамический" қўрғонидан 1000 рақамга мўлжалланган DTS-2000 RSS русумли станция Мирзаобод тумани маркази "Наврўз" қўрғонига, "Механизатор" қўрғонидаги худди шу русумдаги 500 рақамли станция Оқолтин тумани маркази Сардоба қўрғонига, Ширин шаҳар телекоммуникациялар боғламасига қарашли ГРЭС қўрғони 1000 рақамли станцияси эса Боёвут тумани маркази "Боёвут" қўрғонига кўчирилди. Бу ишларнинг барчаси 2003 йилнинг 1 ва 2-чораги давомида ўз мутахассисларимиз томонидан амалга оширилди. Қишлоқ телефон станцияларига автоматик равишда тўғридан-тўғри шаҳарлараро ва халқаро сўзлашувларга боғланиш учун 13 АОН қурилмаси ўрнатилди. Вилоят миқёсида ўрнатилган 117та таксофондан ўтган йилнинг тўққиз ойида 24,5 млн. сўм даромад олинди. 89та почта алоқаси бўлимлари телефонлаштирилиши натижасида айни дамда рақамли телефон станцияларининг 14 туридан уч мингга яқин мижоз фойдаланиб келмоқда.

Гулистон шаҳар телекоммуникациялар боғламаси қошида "Интернет кафе" ишлаб турибди. Агар ўтган йилнинг бошларида вилоят бўйича жами 41739 телефон нуқтаси бўлган бўлса, жорий йилга келиб улар сони 43444тага етди. Шунингдек, филиалнинг Сирдарё, Бахт, Шароф Рашидов, Оқолтин ҳамда Мирзаобод телекоммуникациялар боғламалари шу ҳудуддан ўтган халқаро Транс-Осиё-Европа (ТОЕ) толали-оптик алоқа линияси (ТОАЛ) уланди. Натижада шаҳарлараро маълумот узатилиши жаҳон стандарти талабларига етказилди, яъни маълумотлар алмашиш тезлиги минг бараварга ошди. Станциялараро кириш ва чиқиш телефон каналлари сони икки бараварга кўпайтирилди ҳамда шаҳарлараро ва халқаро сўзлашувлар сони ва сифати яхшиланди. Айтиш жоизки, юқоридаги амалга оширилган ишлар вилоятда корхоналар, муассасалар ва аҳолининг Интернет тизимига уланишига, банклараро маълумот узатиш ва ташкил этилаётган минибанкларда сифатли модем алоқасини таъминлашга имкон беради.

Дарҳақиқат, телекоммуникация тармоғидаги юксак даражадаги ўзгаришларни филиалнинг деярли барча телекоммуникациялар боғламаларида кўриш мумкин. Айниқса, бундай ўзгаришлар Боёвут, Мирзаобод, Ховос, Оқолтин, Сайхунобод туманлари ҳамда Гулистон шаҳар телекоммуникациялар боғламаларида яққол кўзга ташланади.

– Алоқачиликни 1974 йилда монтёрликдан бошлаганман, йигирма йилдан буён эса ушбу боғламага раҳбарлик қилиб келяпман, – дейди Боёвут телекоммуникациялар боғламаси директори Раимжон Марқаев. – Ўтган йиллар давомида бу касбнинг барча машаққатларини тотиб кўрдим, соҳада бўлаётган ҳамма ўзгариш ва янгиликларга бевосита гувоҳман. Тўғриси, шунча йиллик меҳнатим давомида ҳозиргидек мазза қилиб ишламаган эдим. Демоқчиманки, сўнгги йиллар боғламамизда катта ўзгаришлар содир бўлди, қилаётган меҳнатларинг роҳатини кўриб ишлашга имконият яратилди.

**(Давоми 2-бетда.)**

## УНУТИЛМАС ЛАҲЗАЛАР

**Орамизда** осмонимиз мусаффо, ҳаётимиз фаровон бўлишига муносиб ҳисса қўшган фахрийларнинг ўрни беқиёс бўлиб, уларнинг ҳаётдаги ибратли йўли, бой тажрибаси ёшлар учун ҳар тарафлама ўрнакдир.

"Қашқадарё Телеком" филиалига 9-май — Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланган байрам тадбирига алоқа соҳасида узоқ йиллар ишлаб нафақага чиққан 35 нафар уруш ва меҳнат фахрийлари таклиф этилди. Қарши шаҳридаги "Наврўз" чойхонасида улар учун байрамона дастурхон ёзилди. Қуръон тиловат қилиниб, ўтганлар ёдга олинди. Фахрийларга филиал томонидан ташкил этилган махсус совғалар топширилди.

**Баҳром МУРОДОВ**
**Қашқадарё вилояти**

## ВОИЗЛАР КЎРИК-ТАНЛОВИ

***Мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, амалга оширилаётган ислоҳотларни янада такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини таъминлаш шароитида ёш авлодни, шу жумладан, талаба-ўқувчиларни ҳар томонлама етук, давр талабларига тўла жавоб берадиган юқори малакали мутахассислар қилиб тарбиялаш долзарб масалалардан биридир. Бу масъулиятли ишни бажариш кўпроқ ўқитувчилар зиммасига тушади.***

**Ўқувчи-ёшларга** замон талабларидан келиб чиққан ҳолда ҳар томонлама мукаммал билим бера оладиган, ўтилаётган дарсни улар онгига сингдириш қобилиятига эга етук воизларни аниқлаш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокимлиги олий ўқув юртлари ўқитувчилари ўртасида воизлар кўрик-танловини ўтказди. Ушбу кўрик-танлов икки босқичда бўлиб ўтди. Юнусобод тумани бўйича ўтказилган воизлар кўрик-танловида иштирок этган Тошкент ахборот технологиялари университетининг фалсафа кафедраси ассистенти Эъзозахон Каримова биринчи ўринни эгаллаб, шаҳар босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритганди.

Яқинда Тошкент шаҳар ҳокимлигида бўлиб ўтган воизлар кўрик-танловида Эъзозахон Каримова иккинчи ўринга сазовор бўлиб, "Фахрий ёрлиқ" ва қимматбаҳо совға билан мукофотланди.

**Неъматулла МЎМИНОВ**

OBUNA –2004

## ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!

**"Xabar" газетасига 2004 йил иккинчи ярим йиллиги учун обуна давом этмоқда! Газетамизга барча алоқа бўлимларида обуна бўлиш мумкин.**

**Нашр кўрсаткичи:**

**Якка тартибдаги обуначилар учун — 227.**

**Ташкилотлар учун — 228.**

**"Xabar" газетаси ҳар ҳафтанинг муборак жума куни хонадонингизга кириб боришини истасангиз, обуна бўлишга шошилинг!**

ALOQA KORXONALARIDA

# “СИРДАРЁ ТЕЛЕКОМ”: ЭНДИ ФАҚАТ РИВОЖЛАНИШ САРИ

**ёки Сирдарёлик алоқачилар амалга ошираётган ибратли ишлар ҳақида**

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Ҳақиқатан ҳам боғламадаги ижобий ўзгаришлардан кўз қувнайди. Бино тўлиқ таъмирланган, мижозлар бўлими, телефон, телеграф ва монтёрлар хоналари талаблар даражасига келтирилган. Мижозлар учун барча маълумотлар, билдирувлар чиройли ва тушунарли тарзда ёзиб қўйилган. Ходимларга кўнгилдагидек ишлашлари ҳамда дам олишлари учун етарли шарт-шароитлар яратилган. 1000 рақамли электрон АТС ўрнатилиши натижасида туман аҳолиси олтита рақам териб, тўғридан-тўғри шаҳарлараро сўзлашиш имконига эга бўлди. Боғлама 24 соат давомида АТСни кучли электр энергияси билан таъминлайдиган аккумуляторлар билан жиҳозлангани боис, энг кўп шамол бўлишига қарамай, туманда телефон алоқасининг узилиб қолишига чек қўйилди.

АТСнинг сифатли ишлаши аҳолида катта қизиқиш уйғотмоқда, телефон ўрнатмоқчи бўлганлар кундан-кунга кўпаймоқда. Даромад ҳам ошди. Мисол учун, даромад 2003 йилнинг сентябр ойида 5378,3 минг сўмни ташкил этган бўлса, айни дамда бу рақам 9 млн.га етди. Ҳозирги кунда қишлоқ телефон станцияларига АОН қурилмаларини ўрнатиш режалаштирилмоқда. Агар ушбу ишлар ҳам амалга ошса, боғлама даромади янада кўпаяди.

– Албатта, бу ишлар ўз-ўзидан бўлгани йўқ, – дейди Р.Марқаев. – Туманимиз ҳокимлиги алоқа тизимини ривожлантиришга катта эътибор қаратмоқда. Қолаверса, эришилган бу ютуқларда раҳбаримиз Амир Ғозиевнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши билан бирга аҳил жамоамизнинг – мижозлар бўлими бошлиғи Тойир ака Турдиалиев, муҳандис-техниклар Довур Ортиқбоев, Рустам Ашуров, телефончилар Гуля Самандарова ҳамда Таня Исаеваларнинг фидокорона хизматлари бор.

Бу каби ўзгаришларни Оқолтин телекоммуникациялар боғламасида ҳам кўриш мумкин. Мазкур боғлама ҳам қайта таъмирдан чиқарилган. Мижозлар бўлими, оператор хонаси талаб даражасига келтирилган. Барча ишлар компютер орқали амалга оширилади. Боғлама бошлиғи Абдували Абдукалилов туманда амалга оширилган ишлар хусусида қуйидагиларни сўзлаб берди:

– Эски АТС 1000 рақамли бўлиб, 966 нафар мижозга эга эдик. ДТС-2000 русумли 500 рақамга мўлжалланган замонавий АТСни ўрнатганимиз аҳолига қулайлик яратиш билан бирга даромадимизни ҳам оширди. Мижозларимиз талабини тўлиқ қондириш мақсадида станция рақамини яна 500тага кўпайтирмоқчимиз. Ҳозир мижозларни янги АТСга ўтказяпмиз. Шунингдек, қўшимча равишда иккита таксофон ўрнатмоқчимиз.

Боғламамизнинг мамлакатимиз вилоятларини пойтахтимиз билан боғловчи катта йўл ёқасида жойлашганлиги ҳам туманда алоқа хизматини янада ривожлантиришга ва даромадларимизни оширишга замин яратади. Айни дамда ушбу йўлни жаҳон андозалари даражасида кенгайтириш ишлари олиб борилмоқда. Ишлар тугагач, йўл ёқаларида сўзлашув шахобчалари очиш ниятимиз бор. Шу билан бирга, ҳар бир почта бўлимлари ва фермер хўжаликлари қошида сўзлашув масканларини ташкил этмоқчимиз.

Сайхунобод телекоммуникациялар боғламасида амалга оширилган ишлар ҳам таҳсинга сазовордир. Боғлама директори билан бино хоналарини кўздан кечирар эканман “Ҳаракатда – баракат”, деган мақолга яна бир бор амин бўлдим.

– Илгари АТС ва маъмурият бинонинг биринчи қаватида жойлашган эди, – дейди боғлама директори Мансур Султонов. – Сўзлашув зали эса иккинчи қаватда бўлиб, бу кексалар, ёш болали оналар ҳамда ногиронларга анча ноқулайлик туғдирарди. Энди эса ўзингиз кўриб турганингиздек, бино таъмирланди. Маъмурият ва АТСни иккинчи қаватга, сўзлашув хоналари ва мижозлар бўлимини биринчи қаватга кўчирдик. Бу мижозларимиз сонининг кескин кўпайишига омил бўлди.

Шунингдек, мижозлар бўлимида туман боғламалари ичида биринчи бўлиб Интернет хонасини ташкил этдик. Ҳозирча операторимиз битта компютер орқали мижозларга хизмат кўрсатмоқда. Талаб ва таклифга қараб компютерларимиз сонини кўпайтириб борамиз. Бундан ташқари, туманимиздаги иккита касб-ҳунар коллежи ва иккита мактабнинг компютер синфларига Интернет улашни режалаштирганмиз.

– Ўтган йили “Гулистон”, Шўразак, Қодирқул Султонов жамоа хўжаликларидаги телефон станцияларига АОН қурилмалари ўрнатилиши натижасида 450 мижозга тўғридан-тўғри шаҳарлараро сўзлашиш имкони яратилди, – дея суҳбатга қўшилди боғламанинг қишлоқ телефон станцияси муҳандиси Ўткир Мирзалиев. – “Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси ҳамда “Сирдарё Телеком” филиалининг шаҳарга яқин қишлоқ телефон станцияларини шаҳар АТСларига улаш тўғрисидаги кўрсатмаси бўйича икки ярим километр кабел тортиб, Турсунмат Ғуломов хўжалигидаги телефон станциясини Бахт шаҳрига уладик. Июн ойининг ўртасигача Қодирқул Султонов хўжалигидаги телефон станцияни ҳам Бахт шаҳридаги АТСга улаш учун ҳаракат қиляпмиз. Албатта, бу эзгу ишларнинг юзага чиқишида Александр Усцов, Баҳодир Фармонов, Нажия Давлатова, Людмила Усцова, Делевер Усеинов сингари тажрибали ҳамкасбларимнинг меҳнатлари таҳсинга лойиқ.

Яна бир гап: соҳа бўйича тадбиркорликни ривожлантириш ишларига вилоятда биринчи бўлиб айнан Сайхунобод телекоммуникациялар боғламасида қўл урилган. Гап шундаки, 2001 йили Қодирқул Султонов жамоа хўжалиги марказий қўрғонидаги 200 сиғимга эга бўлган қишлоқ телефон станцияси алоқачи Кўчқор Намозбоевга ижарага берилган эди. Тадбиркорга оёққа тургунича боғлама ҳар томонлама кўмак бериб турди. Ҳозир ижарачи ўз мижозларига эга. Ишбилармонлиги нафақат ўзи, балки боғламага ҳам даромад келтирмоқда. Бундан тўғри хулоса чиқарган боғлама раҳбарияти тадбиркорликни янада ривожлантириш борасида изланмоқда. Фақат бу ишнинг уддасидан чиқадиган тадбиркор топилса бўлгани.

Хўш, сирдарёлик алоқачиларнинг қисқа вақт ичида қўлга киритган мақташга арзигулик ютуқларининг сабаби нимада? Мен бунинг сабабини ўзим гувоҳи бўлганим, ҳар қадамда учратган ўзаро ҳамжиҳатликда, бир-бирини қўллаб-қувватлаб меҳнат қилишда, деб билдим. Дарҳақиқат, бугун филиалнинг 650 нафар ходими, у ким бўлишидан қатъи назар – хоҳ оддий ишчи бўлсин, хоҳ раҳбар-ходимнинг барчаси ёш бўлса-да катта масъулиятни зиммасига олиб, эзгу мақсадлар сари одимлаётган А.Ғозиевнинг атрофида жипслашган. Ҳеч ким бунёдкорлик ишларидан четда қолаётгани йўқ. Шу ўринда боғламалараро қилган сафаримда менга бевосита ҳамроҳлик қилган филиал бош директори биринчи ўринбосари Анвар Агалиев айтган ушбу холис сўзлар ёдимга тушди: "Раҳбаримиз ёш бўлишига қарамай жуда масъулиятли ва талабчандир. Бундай инсонни фақат қўллаб-қувватлаш керак. Халқда шундай гап бор: “Қўлингдан келса ташаббускор инсонга ёрдам бер, ёрдам беришни эплолмадингми, халал ҳам берма". Бугун биз соҳамиз ривожида қандай ютуққа эришаётган бўлсак, бунинг бош сабаби барчамиз юқоридаги наклга амал қилиб ишлаётганимиздир".

Ҳа, Анвар ака ҳақ гапни айтди. Қаердаки ҳамжиҳатлик бўлса, ўша ерда ўсиш, ривожланиш, манфаатдорлик бўлади. Манфаатдорлик бўлган жойда эса ҳаётдан, ўз ишидан қониқиш пайдо бўлади, Боёвут телекоммуникациялар боғламаси раҳбари Р.Марқаев айтганидек, ҳамма ишга соғиниб келади. Буларнинг барчасига эса "Сирдарё Телеком"чилар босқичма-босқич эришиб бормоқда. Филиалнинг “Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси тизимида нуфузи кундан кунга ортиб бораётгани боиси ҳам асли шунда.

**Усмонжон ЙЎЛДОШЕВ,**
**“Xabar”нинг махсус мухбири**


## WCG 2004 Uzbekistan Preliminary

SAMSUNG ELECTRONICS

WCG WORLD CYBER GAMES

www.wcg.uz

**Регламент проведения:**

- с 15 по 28 мая - регистрация участников
- 29-30 мая - отборочный турнир в г. Бухаре
- 5-6 июня - отборочный турнир в Самарканде
- 12-13 июня - отборочные турниры в Фергане и Намангане
- с 22 по 26 июня - отборочный турнир в Ташкенте
- 2 июля - национальный финал WCG 2004 Uzbekistan Preliminary
- 3 июля - церемония награждения
- октябрь 2004 года - Всемирный финал Grand Final WCG2004 в Сан-Франциско (США).

**Клубы в г.Ташкенте**

Клуб Begim
**WarCraft® III:Frozen Throne**
Адрес: Юнусабад, 14 квартал, дом 62
Тел 125 09 52

Клуб Elite
**StarCraft®: Brood War™**
Адрес: Ул. Амира Темура, 1 (в музее Амира Темура)
Тел 132 02 07

Клуб Magic Touch
**Unreal™ Tournament 2004**
**Need for Speed: Underground**
**WarCraft® III:Frozen Throne**
Адрес: пр-т Космонавтов, дом 29-а
Тел 152 51 71

Клуб TransNet
**Half-Life™: Counter-Strike Condition Zero**
Адрес: ул. Амира Темура, дом 2-а, блок "Е"
Тел 114 66 39

**Официальные игры WCG 2004 Uzbekistan Preliminary:**

- WarCraft® III:Frozen Throne - игроки старше 13 лет
- StarCraft®: Brood War™ - игроки старше 13 лет
- Half-Life™: Counter-Strike Condition Zero - игроки старше 17 лет
- Unreal™ Tournament 2004 - игроки старше 17 лет
- Need for Speed: Underground - возраст не ограничен.

**! Регистрация производится только в тех клубах, в которых будет проводиться данная игра**



## WCG 2004 Uzbekistan Preliminary

SAMSUNG ELECTRONICS

WCG WORLD CYBER GAMES

www.wcg.uz

**О регистрации участников и о клубах в Ташкенте будет сообщено отдельно**

**Регламент проведения:**

- с 15 по 28 мая - регистрация участников
- 29-30 мая - отборочный турнир в г. Бухаре
- 5-6 июня - отборочный турнир в Самарканде
- 12-13 июня - отборочные турниры в Фергане и Намангане
- с 22 по 26 июня - отборочный турнир в Ташкенте
- 2 июля - национальный финал WCG 2004 Uzbekistan Preliminary
- 3 июля - церемония награждения
- октябрь 2004 года - Всемирный финал Grand Final WCG2004 в Сан-Франциско (США).

**Клубы в областях**

г. Фергана*
Клуб Saytex
Адрес: ул Т. Комбарова Марифат, дом 45, корпус 5
Тел: (8-3732) 24 81 36, 24 29 68, 24 79 59
E-mail: info@saytex.uz
*играют геймеры из Андижана

г. Бухара*
Клуб game zone
Адрес: микрорайон 6, ул Фароги, дом 30
Тел: (8-365) 222 14 72
E-mail: game-zone-6m@rambler.ru
*играют геймеры из Навоийского, Хорезмского, Кашкадарьинского вилоятов и из Каракалпакстана

г. Наманган*
Клуб «Сардоба»
Адрес: ул. Навои, дом 4
Ориентир: возле рынка «Сардоба»
E-mail: zahidjon7777@mail.ru
*играют геймеры из Андижана

г. Самарканд*
Клуб NEO
Адрес: ул. Мирзо Улугбека, дом 34
Тел: (8-3662) 33 42 40 www.bionix.tk
*играют геймеры из Сурхандарьинского, Джизакского вилоятов

**Официальные игры WCG 2004 Uzbekistan Preliminary:**

- WarCraft® III::Frozen Throne - игроки старше 13 лет
- StarCraft®: Brood War™ - игроки старше 13 лет
- Half-Life™: Counter-Strike Condition Zero - игроки старше 17 лет
- Unreal™ Tournament 2004 - игроки старше 17 лет
- Need for Speed: Underground - возраст не ограничен.

TAHRIRIYATGA XAT

# СЎЗЛАШУВНИНГ НАРХИ ҚАНЧА?

## ёки Телефончиларнинг хурмача қилиқлари

*__Ҳурматли__ таҳририят ходимлари! Сизларга мактуб ёзишдан мақсад бирон-бир соҳа кишиларининг шахсиятига путур етказиш эмас. Алоқа соҳасида ишлаётган баъзи ходимларнинг ўз вазифасига масъулиятсизлиги ва истеъмолчиларга дағал муомала қилишларини кўра билиб кўз юмиш ҳам инсофсизлик бўлади. Гарчи ўзим ҳам алоқа соҳасида 11 йилдан буён ишлаётган бўлсамда, Риштон шаҳридаги айрим ҳамкасбларимнинг иши ва хурмача қилиқларига гувоҳ бўлгач, қўлимга қалам олдим.*

*Тақдир тақозоси билан шу йилнинг 18 апрел куни Риштон шаҳрига йўлим тушиб, телефонда Россия Федерацияси билан уландим. Пулини тўлаб гаплашдим. Аммо Риштон шаҳри телефончиларининг соат миллари бошқа жойларникига нисбатан жуда ҳам тез юраркан, шекилли, 4 дақиқага тап тортмасдан яна икки дақиқа қўшиб беришди. Ҳамма ғавғо сўзлашиб бўлиб, суриштирганимдан кейин бошланди. Ҳар хил баҳоналар топишди. Ахир, менинг қўлимда соатим бор эди. Қайтадан яна улаб беришларини сўраб мурожаат қилдим, улашди, гаплашиб кабинадан чиқсам, "Ука, сиз яна 1200 сўм тўлайсиз", — деди ва қўлимга иккита чипта берди, иккаласида ҳам 1200 сўмдан ёзув бор эди. Тушунтирсам, "Мен квитанциянгизга бошқатдан ёзаман", — деди. "Риштонда рақамли квитанцияга бошқатдан ёзиш мумкинми", — деб сўрасам, "Боринг, қаерга борсангиз боринг, қайта бизга келиб телефон қилманг, ўз туманингизда гаплашинг", — дея дағдаға қилди. Исм-фамилиясини сўрасам, жавоб бермади. Нима, пулини тўласак ҳам бошқа туман телефон хизматидан фойдаланишга ҳаққимиз йўқми, ё уларга истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини мана шундай йўллар билан поймол қилишларига алоҳида рухсат берилганми?..*

*Берилган квитанцияларни сақлаб турибман. Ахир, 8 дақиқанинг ҳар дақиқасига 400 сўмдан пул тўлаб, 5 дақиқа гаплашсангиз одамга алам қиларкан.*

*Ҳурматли таҳририят ходимлари, агар хатим газетангизда чоп этилса, зора, ўша телефончилар ўқиб, қилган хатоларини тушуниб етишар, деган умиддаман.*

**Акбарали ҲАЙДАРОВ**
**Фарғона вилояти, Сўх тумани,**
**"Озод" жамоа хўжалиги,**
***Тул қишлоғи***

# XALQARO HAYOT

## ЛИБЕРАЛИЗМНИНГ СЎНГГИ КУНЛАРИ

**Куба** ҳукумати мамлакатда АҚШ доллари билан савдо қилишга чеклов жорий қилди. Бу Озодлик Ороли раҳбариятининг расмий Вашингтон қарорига нисбатан ўзига хос жавобидир. Чунки АҚШ ҳукумати фармонига биноан бундан буён келиб чиқиши кубалик бўлган америкаликларга Кубадаги қариндошларини кўришлари учун ҳар уч йилда бир марта боришларига ва фақат энг яқин қариндошларигагина пул жўнатишларига ижозат берилганди.

Фидел Кастро, ўз навбатида, нархларнинг ошганини ҳам эълон қилди. Одатда, бунақанги келишмовчиликлардан кўпроқ оддий фуқаролар азият чекиши маълум. Куба телевидениеси долларга фақат озиқ-овқатлар, шахсий гигиена маҳсулотлари ва бензин сотилиши ҳақида хабар тарқатган. Ҳозирда ёнилғи қуйиш шахобчалари олдида автомобилларнинг узундан-узун карвонлари пайдо бўлган. Минглаб одамлар валюта билан савдо қилинадиган дўконларга ошиқишмоқда, пештахталар бўшаб қолмоқда.

Энди қиммат чет эл маҳсулотларини фақат Гавана марказий дўконларидагина учратиш мумкин, арзонлари эса песо (миллий валюта)га давлат дўконларида карточка тизими бўйича сотилади.

Хуллас, 10 йил муқаддам Кубага кириб келган либерализм айни чоғда ўзининг сўнгги кунларини бошдан кечирмоқда.

## КАТТА ЎЛЖА

**Даниялик** балиқчилар кемаси тўрига кутилмаганда немис сув ости кемаси тушган. Ушбу ҳодиса НАТО ўқув-машқлари ўтказилаётган Дания ва Норвегия ўртасидаги Скагеррак бўғозида юз берди. Натижада сув ости кемаси юзага сузиб чиқишга мажбур бўлган.

Ҳеч ким жабр кўрмади, фақат балиқчилар бироз талвасага тушишди. Чунки бундан 10 йил олдин рўй берган худди шунақа ҳодиса оқибатида уч денгизчи ҳалок бўлганди. Ўшанда ҳам немис сув ости кемаси тўрга тушиши оқибатида даниялик балиқчиларнинг кемаси ғарқ бўлганди.

## ЭНГ ҚАДИМГИ КИТОБ

**Лондонда** ҳозирда мавжуд босма усулда чоп этилган китобларнинг энг қадим-



гиси дея эътироф этилаётган китоб омма эътиборига ҳавола қилинди. "Олмос Сутра" номи берилган будда битикларидан иборат бу китоб Хитой ғарбидаги ғорларнинг биридан топилган бўлиб, ҳозирда Лондондаги Британия кутубхонасида сақланмоқда. Аниқланган маълумотларга кўра, бу китоб яратилганига 1130 йилдан ошган.

Шарқ ва Ғарбни боғловчи "Буюк ипак йўли" санъати ва маданий анъаналарига бағишланган экспозиция намуналари ичида мазкур китоб энг нодирларидан ҳисобланади.

"Олмос Сутра" хитойча иероглиф туширилган кулранг қоғоз ўрами ва ёғоч асосдан иборатдир.

Британия кутубхонаси ходими Сюзан Уитфилднинг сўзларига қараганда, сутрадан бутун ер юзида яшовчи одамларга тарқатиш мақсадида нусхалар олинган. Кўп нусхада китоб чиқариш будда намояндаларига ўз динларини янада кучлироқ тарғиб қилишларига имкон яратгани учун улар босма техникадан самарали фойдаланишган.

Ноёб топилма сатрлари ўз муаллифи ҳақида ҳам маълумот беради. Унга биноан сутранинг ушбу нусхаси Ван Цзи исмли киши томонидан 868 йилнинг май ойида тайёрланган.



# ALOQA OLAMIDA

## КОМПЮТЕРЛИ КРОССОВКА

**Adidas** компанияси дунёда биринчи бўлиб компютерли кроссовкалар ишлаб чиқарди. Ушбу кроссовкалар шароит ва спортчининг хоҳишига кўра ҳолатини, аниқроғи, тагчарми қаттиқ ёки юмшоқлигини ўзгартириб туради.



Уч йил мобайнида Adidasнинг Америкадаги бўлими томонидан махфий шароитда яратилган кроссовкаларга Adidas-1 деб ном берилди. Эҳтимол, компания шу тариқа ўзининг компютерлаштирилган спорт оёқ кийимлари яратишда биринчи бўлганини ифодаламоқчи бўлгандир.

Энди Adidas-1 ҳақида. Унинг амортизацияни назорат қилувчи тизими Холл датчигидан маълумот олувчи 20 МГц частотали махсус микропроцессор томонидан бошқарилади. Кроссовка товон қисмига ўрнатилган Холл датчиги спортчи ҳаракатланаётган ер юзаси магнит майдонидаги ўзгаришларни қайд этиш орқали унинг хусусиятини баҳолайди. Шу билан бирга, датчик тагчарм амортизацияланувчи материалининг 0,1мм.гача сиқилиши ёки чўзилишини ҳам аниқлай олади. Керакли маълумот процессорга секундига минг марта тезликда етказилади. Бутун тизим ҳар юз соатда алмаштириладиган митти батарея билан қувватланади.

Айтиш керакки, бу кроссовкалар шунчаки тажриба учун яратилмаган. Adidas компанияси шу йилнинг декабридан АҚШда компютерлаштирилган кроссовкалар савдоси (бир жуфти – 250 $)ни йўлга қўйишни режалаштирган.

## ҲАМКОРЛИКДА ЖАҲОН БОЗОРИ ТОМОН



**Япония, Хитой ва Жанубий Корея** ишга туширилиши 2010 йили режалаштирилаётган тўртинчи авлод уяли алоқа тармоқлари стандартлари ва ускуналарини биргаликда яратишга келишиб олишди.

Ҳамкорликдан мақсад 4G тармоқлари учун ягона телекоммуникация маскани яратишдир. Ҳозирги кунда жаҳон мобил телефонлари бозорининг тахминан учдан бир қисми Хитой, Япония ва Жанубий Кореяга тегишли бўлиб, фақат ўзаро ҳамкорликкина жаҳон бозорига чиқишни кафолатлаши мумкин.

Тўртинчи авлод уяли тармоқлари секундига 100 Мбит тезликда маълумот узатиш имконини беради. 4G хизмати абонентлари ҳақиқий вақт режими (шароити)да аудиооқим ва видеосигналларни қабул қила олишади (уяли телефон соҳиби тезюрар поездда олган суратлар ҳам тиниқлигини йўқотмайди). Юқорида таъкидланганидек, 4G тармоғи ишга тушишига яна олти йил бор, шунга қарамасдан тажриба намуналари аллақачон яратиб бўлинган.

## ИНТЕРНЕТ ОРҚАЛИ ЎҒРИЛИК

**Британия** полицияси жиноий мақсадларда банк мижозлари ҳисоб рақамларини фирибгарлик ишлатиш орқали қўлга киритишда шубҳа остига олинган 12 нафар собиқ Совет Иттифоқи мамлакатлари фуқароларини ҳибсга олган.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг фикрича, қўлга олинганлар Россиядаги жиноий тўда аъзоларидир. Ушбу тўда бир неча бор Barclays, Lloyds TSB ва NatWest сингари банклар компютер тармоғига киришга уриниб кўрган, бироқ уринишлар ҳар гал самарасиз якунланган. Натижада жиноятчилар фирибгарликнинг бошқа бир усули - "қармоқ ташлаш" эффектидан фойдаланишган. Бунга кўра, гўёки банк томонидан мижозларга ҳисоб рақамидаги маълумотларни тасдиқлашларини сўраб электрон почта орқали хат жўнатилади. Бунда мижозлардан сохта сайтда жойлашган махсус формани ҳам тўлдиришлари талаб этиларди. Албатта, ушбу сайт ташқи кўриниши ва тузилиш жиҳатидан ҳақиқийсидан фарқ қилмагани сабабли ишонувчан мижозда шубҳа туғдирмаган.

Полициянинг фикрича, асли келиб чиқиши Россия, Украина, Эстония ва Латвия фуқаролари бўлган бу кимсалар бор-йўғи ижрочилар бўлишган ва бу учун арзимас фоизларгина олишган. Дарвоқе, жиноий тўда ишонувчан одамларнинг юз минглаб АҚШ доллари миқдоридаги пулларини Россияга олиб кетишга ҳам улгурган.



Бундан сал аввалроқ Интернетдаги "балиқ ови" учун йигирма бир ёшли Буюк Британия фуқароси ҳам қўлга олинган эди. Аммо полиция бу жиноятлар ўртасида ҳеч қандай боғлиқлик йўқлигини таъкидлаган.

**Internet materiallari asosida tayyorlandi**

*ВЫШЕЛ В СВЕТ*

# АПРЕЛЬСКИЙ НОМЕР ЖУРНАЛА InfoCom.UZ

***Журнал вышел из печати в канун праздника 9 мая и впитал в себя все новости апреля. Главной новостью месяца стала совместная пресс-конференция, которую провели Узбекское агентство связи и информатизации, представительство компании Samsung в Ташкенте и журнал InfoCOM.UZ по поводу проведения чемпионата Узбекистана по компьютерным играм, который в этом году является одновременно и отборочным турниром на Всемирный чемпионат – World Cyber Games 2004. По итогам чемпионата 9 геймеров из независимого Узбекистана поедут защищать честь нашей страны на столь авторитетном мировом турнире.***

**Генеральным** спонсором чемпионата Узбекистана является компания Samsung, однако АК "Узбектелеком", "Алокабанк", СП COSCOM, ИП Agata Impex, Sarkor Telecom и UCD Micros также решили стать спонсорами турнира. Практически все FM-радиостанции оказывают чемпионату информационную поддержку. Необходимо также отметить, что уже второй год подряд официальную поддержку турниру оказывает УзАСИ, а его организатором является журнал InfoCOM.UZ. Киберспорт в нашей стране получил государственную поддержку на самом высоком уровне: 3 мая 2004 года премьер-министром Узбекистана Ш. Мирзияевым было подписано распоряжение № 287-ф о поддержке чемпионата.

Понятно, что не одними компьютерными играми живут информационно-коммуникационные технологии в Узбекистане. В апрельском номере журнала InfoCOM.UZ размещено также более 20 статей на узбекском и русском языках о новинках компьютерной техники, законодательстве в сфере ИКТ, развитии ИКТ в области образования, новых услугах в сфере телекоммуникаций, которые начали оказывать наши компании. Остановимся подробнее на некоторых из них.

В статье "Перспективы использования XML-технологии" рассказывается об использовании языка XML в любых web-приложениях, дана небольшая историческая справка о появлении этого языка и даже приводятся конкретные примеры его использования. Автором данной статьи является Равшан Хамидов, член Ассоциации молодых программистов. Кстати, журнал InfoCOM.UZ стал коллективным членом этой Ассоциации и с большим удовольствием предоставляет свои страницы авторам-программистам.

Обращает на себя внимание статья ведущего специалиста центра UzInfoCom Юлии Павловой "Законодательство в сфере ИКТ". В ней дан краткий анализ существующего законодательства и путей его развития. Понятно, что без соответствующей правовой базы ИКТ не получит дальнейшего своего развития, именно поэтому только в 2003 году парламент нашей страны принял, в частности, законы "Об электронной цифровой подписи" и "Об информатизации", а на недавней сессии Олий Мажлиса Республики Узбекистан — законы "Об электронном документообороте" и "Об электронной коммерции". В настоящее время идет разработка и других законодательных и нормативных документов с участием специалистов центра UzInfoCom. Обо всем этом более подробно можно ознакомиться в статье.

Для тех, кто думает приобрести собственный карманный компьютер, будет полезна статья Михаила Щавинского "Чем поможет КПК", в




которой автор поделился собственным опытом по пользованию и настройке КПК, а также дал небольшой обзор программного обеспечения для наладонника, которое можно найти на просторах сети Интернет.

Если вы решили собрать свой ПК сами, то вам необходимо обратить пристальное внимание на обзоры о материнских платах от компании EPoX и оптических дисководах компании Samsung. Если же вы не знаете, что подарить близкому человеку на день рождения, то прочитайте статью о часах со встроенной флэш-памятью.

В целом же апрельский номер как всегда рассказал понемногу обо всех сферах развития ИКТ и даже содержит в себе небольшие подарки в виде вложенного в каждый номер журнала постера формата А2 для любителей компьютерных игр. А в каждый третий номер журнала вложена специальная интернет-карта номиналом в 2000 сум от компании Sarkor Telecom.

*МЕЖДУНАРОДНЫЕ ФОРУМЫ*

## МЕЖДУНАРОДНАЯ КОНФЕРЕНЦИЯ ПО ВОПРОСАМ ЭЛЕКТРОННОГО ПРАВИТЕЛЬСТВА

пройдет в Ташкенте. Это будет первая международная конференция в Узбекистане, посвященная вопросам развития и внедрения электронного правительства, на которой будут представлены доклады международных экспертов и представителей международных организаций по мировому опыту развития электронного правительства. На форуме также будут разработаны рекомендации по его дальнейшему внедрению в Узбекистане.

Организаторы конференции – Узбекское агентство связи и информатизации, Центр "UzInfoCom", Координационный совет по развитию компьютеризации и информационно-коммуникационных технологий, Программа развития ООН и программа "Инициатива цифрового развития". Устроители форума считают, что он предоставит уникальную возможность общения между ключевыми представителями государственных структур республики, международными экспертами и частным сектором – поставщиками систем для развития электронного правительства.

***Источник: http://www.uza.uz***

*ИНТЕРНЕТ-ДАЙДЖЕСТ*

## В УЗБЕКИСТАНЕ ОТКРЫТ САЙТ E-COMMERCE.UZ

**В Агентстве** по внешним экономическим связям Республики Узбекистан состоялась презентация электронной торговой площадки (ЭТП), позволяющей осуществлять торговые операции через Интернет. ЭТП, расположенная по адресу http://www.e-commerce.uz, – один из первых шагов по формированию электронной торговли. По словам организаторов ЭТП, следующим этапом продвижения электронной коммерции станет Центр электронных платежей, который позволит создателям Интернет-магазинов, бирж, аукционов, компаниям-производителям и поставщикам услуг принимать оплату через свои сайты в национальной валюте и СКВ посредством кредитных карт. Создание такого центра ведется совместно с IT-компаниями Индии. Параллельно ведется проектирование Центра электронной подписи.

***Источник: http://www.uza.uz***

## ЖЕНЩИНЫ ПРЕДПОЧИТАЮТ ГАЗЕТАМ ИНТЕРНЕТ

**Как оказалось,** представительницы лучшей половины человечества проводят в Сети больше времени, чем у экрана телевизора или за чтением глянцевых журналов.

По данным компании Starcom MediaVest Group, которые приводит агентство Reuters, в течение последнего года сохранялась тенденция постепенного отказа американцев от телевизора и других средств массовой информации в пользу Интернета. В целом, женская часть аудитории демонстрирует примерно такое же поведение, что и ее мужская половина. 46,9% участвовавших в опросе женщин увеличили время, проводимое в Сети, а еще 34% стали меньше смотреть телевизор. В то же время, только 7,2% опрошенных сократили время, проводимое в режиме "онлайн", и лишь 12,4% стали еще дольше сидеть, уткнувшись носом в пластиковый ящик.

***Источник: http://www.internet.ru***

## АООТ "ТОШКЕНТ ПОЧТАМТИ" СООБЩАЕТ

о выплате дивидендов за 2003 год.

- на одну простую акцию – 110,4 сум,
- на одну привилегированную – 800 сум,

срок выплат — с 10 июня 2007 года.

А также предлагает акционерам – физическим лицам, не получившим дивиденды за 1999-2002 годы, получить дивиденды, хранящиеся на их лицевых счетах в сберкассе САКБ "Алокабанк" по адресу: **г.Ташкент, ул. Шахрисабзская,7 (здание Главпочтамта).**

*МОБИЛЬНАЯ СВЯЗЬ*

## ПЕРВЫЙ АЛЬБОМ С МУЗЫКОЙ ДЛЯ МОБИЛЬНИКОВ



**Германская** музыкальная группа Super Smart объявила о выпуске первого в мире компакт-диска, полностью состоящего из мелодий для мобильных телефонов. Альбом Panda Babies выполнен в стилях диско-поп и электро-панк и включает девять специально написанных полифонических композиций. Предполагается, что в перспективе подборка из десяти-двенадцати подобных треков будет стоить от четырех до пяти евро, тогда как каждую отдельную мелодию можно будет приобрести за 1,49 евро. Пока что же альбом Panda Babies с дополнительными фотографиями и логотипами можно купить за два евро.

***Источник: http://www.bbc.ko.uk***

## СПАМ НАБИРАЕТ ОБОРОТЫ

**За последний** год количество жалоб на спам от британских пользователей мобильной связи выросло в шесть раз и продолжает расти. Правительство намеревается принять свои меры.

По информации газеты Financial Times, на которую ссылается журнал The Register, за последний год количество жалоб в британскую Комиссию по рекламным стандартам (Advertising Standards Authority, ASA) выросло в шесть раз – с 65 обращений в 2002 году до 393 в прошлом. Для сравнения, в 2001 году секретариат ASA получил всего шесть жалоб на несанкционированную рекламу, рассылаемую на мобильные телефоны посредством SMS и голосовой почты.




Пик жалоб пришелся на момент выхода на британском рынке футуристического боевика "Особое мнение" с Томом Крузом. Тогда многие абоненты мобильных операторов, получивших на свои почтовые ящики сообщения с воплями и пальбой "испытали сильный стресс", поскольку не сразу поняли, что это – всего лишь реклама.

***Источник: http://www.internet.ru***

SOHA ATAMALARI

# ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯЛАР СОҲАСИДА ИШЛАТИЛАДИГАН АТАМАЛАРНИНГ РУСЧА-ЎЗБЕКЧА ҚИСҚАЧА ЛУҒАТИ*

**(Давоми. Аввали ўтган сонларда.)**

**диод** — диод
˜ **выпрямляющий** — тўғриловчи диод
˜ **германиевый** — германийли диод
˜ **кристаллический** — кристалл диод
˜ **полупроводниковый** — ярим ўтказгичли диод
˜ **точечный** — нуқтавий диод
˜ **туннельный** — туннел диоди
˜ **универсальный** — универсал диод
**диполь** — дипол
**диск** — диск
**дискетный** — дискетли
**дисковод** — дисковод, диск киритгич (дискдан маълумотларни ўқиш ва (ёки) унга ёзиш қурилмаси)
**дисковый номеронабиратель** — дискли рақам тергич
**дискретность** — дискретлик, узлуклилик
**дискретные измерения** — узлукли ўлчашлар
**дискретный канал** — дискрет (узлукли) канали
**дискриминатор** — дискриминатор, ажратувчи, фарқловчи
˜ **амплитудный** — амплитуда дискриминатори
˜ **импульсов** — импулслар дискриминатори
˜ **фазовый** — фаза дискриминатори
˜ **частотный** — частота дискриминатори
**дисперсия** — дисперсия, ёйилиш, ажралиш
**диспетчерская связь** — диспетчерлик алоқаси
**диспетчерский пункт** — диспетчерлик пункти
**дисплей** — дисплей
**дистанционное измерение** — масофадан ўлчаш
**дистанционное обучение** — масофадан ўқитиш
**дистанционное управление** — масофадан бошқариш
**дистанционный датчик положения** — ҳолатнинг масофа датчиги
**дистрибутивность** — дистрибутивлик
**диссектор** — диссектор
**дисциплина обслуживания** — хизмат кўрсатиш интизоми
**дифракция волн** — тўлқинлар дифракцияси
**дифференциальный метод** — дифференциал усул
**дифференциальное исчисление** — дифференциал ҳисоб
**дифференцирующее устройство** — дифференцияловчи қурилма
**диэлектрик** — диэлектрик
**диэлектрический (-ая, -ие)** — диэлектрик
˜ **антенна** — диэлектрик антенна
˜ **восприимчивость** — диэлектрик таъсирчанлик
˜ **коврик** — диэлектрик гиламча
˜ **постоянная** — диэлектрик доимий, ўзгармас диэлектрик катталик
˜ **потери** — диэлектрик йўқолишлар
˜ **проницаемость** — диэлектрик сингдирувчанлик
˜ **усилитель** — диэлектрик кучайтиргич
**длина волны** — тўлқин узунлиги
˜ **граничная** — тўлқиннинг чегаравий узунлиги
˜ **критическая** — тўлқиннинг критик узунлиги
˜ **пороговая** — тўлқиннинг бўсаға узунлиги
**длина деления шкалы** — шкала бўлинмаси узунлиги
**длинная линия** — узун линия
**длинные волны** — узун тўлқинлар
**длительность** — давомийлик, муддат
˜ **импульса** — импулс давомийлиги
˜ **переходного режима** — ўтиш режимининг давомийлиги
**длительность телефонного занятия** — телефон бандлигининг давомийлиги
**длительность телефонного разговора** — телефон сўзлашувининг давомийлиги
**добротность** — асллик

**(Давоми бор.)**

***Луғат ФТМТМда тайёрланган.**

## ЭЛ АРДОҚЛАГАН ЙИГИТ

***Одилжон Сатторов бир неча йилдирки "Андижон почтаси" АЖ Марҳамат шахобчасига қарашли Хўжаариқ алоқа бўлимини бошқариб келмоқда. Табиатан очиққўнгил, хушмуомала бу йигит хизматидан кўпчилик хурсанд. Ушбу алоқа бўлими ходимлари томонидан мингдан ортиқ пенсионер ва обуначиларга пенсия пуллари, газета ҳамда хат-хабарлар ўз вақтида етказиб берилмоқда.***

**Одилжонни** эл ардоқлаб, қалб тўридан жой бериб алқашининг яна бир сабаби туманда ҳам унинг иш тажрибалари кенг оммалашаётганидир. Бўлим жойлашган хоналар озода, саранжом-саришта, мижозлар учун зарур қўлланма ва кўргазмалар мавжуд. Таклиф ва мулоҳазалар дафтарини варақлар экансиз, мижозлар томонидан ёзиб қолдирилган раҳматлару миннатдорчиликларга кўзингиз тушади.

Бир сўз билан айтганда, О.Сатторов — ўз касбининг устаси. Масъулият ва давр талабини чуқур ҳис этиб, ишни шунга мувофиқ ташкил эта олгани боис белгиланган режалари амалга ошмай қолмайди. Бу борада почтачилар — Тожирали Исломов ва Абдуваҳоб Насриддиновлар Одилжоннинг энг яқин кўмакчиларидир.

**Сойибжон СОБИРОВ**
**Марҳамат тумани**

TEST




## СЕВИШНИ БИЛАСИЗМИ?

**Қуйида машҳур кишиларнинг ҳикматли сўзлари берилган. Шулардан ўзингизга энг маъқулини танлаб олинг.**

1. "Севгида асосийси кутилмаганда пайдо бўлиш ва ўз вақтида кетишдир".
2. "Ачиниш туйғуси билан турмуш қурилмайди".
3. "Севги — бу санъат эмас, балки фан ва техникадир".
4. "Ўрнини алмаштириб бўлмайдиган аёллар (эркаклар) бор, бундайлар жуда кўп".
5. "Севги — бу бўш вақтни ўтказишнинг энг ёрқин шаклидир".
6. "Севги — бу қаттиқ тананинг лирикаси ва юмшоқ ҳиснинг физикасидир".
7. "Турмушга чиқиш — бу имкони бўлганга эмас, балки турмушга чиқмасликнинг иложи бўлмайдиган одам билан оила қуришдир".

**ЖАВОБЛАР**

**1. Севишни билмайсиз, лекин севимли бўлишни биласиз.**
**2. Фақат ўзингизни севасиз.**
**3. Бировни яхши билмасдан сева оласиз.**
**4. Севишни биласиз, лекин ҳаммани бирваракай.**
**5. Ишингизни яхши кўрасиз (лекин у ерда сизни севишмайди).**
**6. Севишни билмай туриб, сева оласиз.**
**7. Севишни биласиз, лекин сизни севишни билишмайди.**

SPORT, SPORT, SPORT

VOLEYBOL

### "ТЎМАРИС-СКИФ" – ЧЕМПИОН!

**Ўтган ҳафтада** Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигига қарашли спорт мажмуасида аёллар ўртасида волейбол бўйича суперлига баҳсларининг сўнгги тур ўйинлари ўтказилди.

Якуний натижаларга кўра 40 очкони қўлга киритган Тошкентнинг "Тўмарис-СКИФ" жамоаси мамлакат чемпионлигига эришди. Иккинчи ўрин Самарқанднинг "СамКИ" (35 очко), учинчи ўрин эса Наманганнинг "Педколлеж" (33 очко) жамоаларига насиб этди.

FUTBOL

### «ЧЕЛСИ» БОШ МУРАББИЙИ «РЕАЛ»ГА ЎТИШИ МУМКИН

**Лондоннинг** "Челси" клуби бош мураббийи Клаудио Ранери келгуси мавсумда "Реал" жамоасини бошқариши мумкин. Фақат бунга қадар "Қироллик клуби" президентлигига Энрике Собрино кўтарилиши лозим. Бу инсон ҳозирда амалдаги клуб президенти Флорентино Пересга мухолиф бўлган гуруҳни бошқармоқда.



"Реал"нинг ҳозирги мураббийи Карлуш Кейруш тақдири деярли ҳал бўлган. Бирор бир мукофот қўлга киритилмаган омадсиз мавсум якунлангач, у ўз ўрнини бўшатиб қўяди.

### МАРАДОНА ҲАЁТИНИ САҚЛАШ УЧУН "СЎНГГИ ИМКОНИЯТ"

**Мана,** бир неча ҳафтадирки, футбол афсонаси Марадона ҳаёти хавф остида турибди. Яқинда уни янги шифохонага жойлаштиришди. Диегонинг шахсий шифокори таъкидлашича, беморнинг ушбу клиникага ўтказилиши унинг ҳаётини сақлаб қолиш учун сўнгги имкониятдир.



43 ёшли Марадона юқори қон босими ва юрак хуружи билан Буэнос-Айресдаги касалхоналардан бирига ётқизилганидан сўнг уч ҳафта ўтиб, мазкур клиникага келтирилди. Шифокор Алфредо Кахенинг маълумотига кўра, футболчи наркологик клиникада маълум муддат даволанади.

Марадона соғайиб кетиши учун ўзи кўпроқ ҳаракат қилиши лозим. Чунки Диего бир неча йилдирки, наркотиклардан қутула олмай келяпти, – деди Алфредо Кахе. – Ҳозирда наркотиклар унинг соғлиги учун катта хавфга айланган.

FORMULA-1

### ШУМАХЕР – ЙИЛ СПОРТЧИСИ

**Бутунжаҳон** Лоруес спорт академияси йил спортчиси номини эълон қилди. Академиянинг қарори шов-шувга сабаб бўлмади, чунки бу ном таниқли автопойгачи Михаэл Шумахерга насиб қилди. "Ушбу соврин айнан менга берилганидан жуда ҳам фахрланаман", – деди иккинчи бор бу номга сазовор бўлган спортчи тақдимот маросимида.

Йилнинг энг яхши аёл спортчиси деб америкалик голфчи Анника Соренстэм, жамоа сифатида эса регби бўйича Англия терма жамоаси тан олинди.



AJAB DUNYO

# ТУШ АЖОЙИБОТЛАРИ

**Туш инсоннинг иккинчи умридир. Тушда бизга реал таассуротларимиз, орзу-хаёлларимиз, эртакнамо саргузаштларга бой болалик онларимиз ҳамроҳ бўлади, уларда келажак ҳаётимиз қандай кечишини фараз қиламиз. Бу, албатта, ҳам жиддий, ҳам ножиддий ҳолдир. Лекин қандай бўлганда ҳам, тушномаларнинг маданият тарихида муайян ўрни борлиги бешакдир. Барча даврларда таъбирчилар томонидан йиғилган тушномаларда халқ донишмандлигининг ажойиб неъматларига дуч келиш мумкин.**

**Қадимги** юнонларнинг буюк шоири Гомернинг "Илиада" ва "Одиссея" достонларида тангрилар одамларга ўз амрларини етказмоқ ёхуд уларни хавф-хатардан огоҳ этмоқ учун тушда инсон қиёфасида намоён бўладилар. Маъбуда Афина уйқудаги Навсика ҳузурига унинг дугонаси қиёфасида кўриниб, Навсикага тонг палласида қирғоққа боришини буюради. Ҳалокатга учраган Одиссейнинг кемаси шу тариқа қутқариб қолинади.

Манбалар шаҳодатига кўра, туш ҳақидаги машҳур китоблардан бирини эрамизнинг II асрида Артемидор яратган. Шу мавзуда қалам тебратган кейинги муаллифларнинг кўпчилиги Артемидорга эргашганлар, унинг китобидан андоза олганлар. Артемидор асосий эътиборни туш рамзларини белгилашга қаратган. Унингча, тушда оёқ кўринса — қулни, бош кўринса — отани англатади. Сувдаги делфин — эзгулик, қуруқликдагиси эса ёмонлик аломати ҳисобланади.

Даврлар ўтиши билан туш рамзларининг изоҳи ҳам ўзгариб борган. Изоҳлар муайян тарихий давр турмушини белгиловчи омилларга асосланган.

Туш тарихи тушнинг рамзий ва кароматли икки тури мавжудлигидан далолат беради. Кароматли тушлар рамзий тушларга нисбатан кам кўринса-да, улар инсонларни ҳамиша ҳайратга солган. Уйқу тиббиёти мутахассислари бундай тушларнинг илмий изоҳи устида ҳамон бош қотириб келяптилар. Шундай ҳоллар мавжудки, одамлар ўнгида еча олмаган геометрик масалаларнинг, топишмоқларнинг бирдан-бир тўғри жавобини тушда топишган. Инсоният кашф қилган буюк ихтироларнинг бир қанчаси тушда яратилганлигини тасдиқловчи мисоллар туш тарихига оид манбаларда кўплаб учрайди. Франциялик машҳур файласуф, математик, физик ва физиолог Рене Декартнинг эътироф қилишича, унинг дунёқараши батамом тушида шаклланган. Бу 1619 йилнинг 10 ноябрида юз берган. Шу куни Рене Декарт кароматли туш кўрган. Тушида унга келажакдаги илмий ишларининг асосий йўналишлари намоён бўлган. "Ҳақиқат Руҳи тушимда менга барча фанларнинг ўзаро алоқадорлиги ва боғлиқлиги муаммосини равшан англатди", деган эди Декарт. Файласуфнинг мана шу тушидан сўнг яратган асарлари кейинги даврдаги фан тараққиётига катта таъсир кўрсатгани маълум.

Машҳур рус самолётсози, конструктор Олег Антоновнинг номи кўпчиликка таниш. Кўп юк кўтаришга мўлжалланган "Антей" самолётининг қуйруқ қанотини қандай ихтиро қилгани хусусида О.Антонов бундай деган: "Қуйруқ қанотининг шакли ҳақида кўп ўйладим, талай ҳисоб-китоблар қилдим, қанот шаклларини чиздим... Бироқ мувофиқ шаклини топа олмадим. Кунлардан бир куни тушимда самолёт қуйруғининг ажойиб шаклдаги қаноти кўз ўнгимда намоён бўлди. Мен ҳатто қўққисдан уйғониб кетдим. Тунги чироқни ёқиб, бир варақ қоғозга қанот чизмасини туширдим ва яна уйқуга чўмдим. Эрталаб чизмани қўлимга олиб, шундай оддий ечим ўнгимда бошимга келмаганидан жуда таажжубландим..."

XVIII асрда яшаган италиялик машҳур бастакор Жузеппе Тартини тушида унга скрипка чалиб бераётган шайтонни кўрган. Бастакор уйғониб, тушида эшитган куйини нотага туширган ва уни "Шайтон тароналари" деб номлаган. Замондошлари Тартинининг бу куйини бастакорнинг энг яхши асари деб баҳолаганлар.

Франция императори Наполеон Бонапартнинг ҳам Ватерлоо яқинидаги сўнгги жанг олдидан кароматли туш кўргани маълум. Императорга тушида жангларда эришган барча ғалабалари кўринган. Бу ғалабалар қўлларида шон-шуҳрат рамзлари кўтариб келаётган гўзал аёллар қиёфасида намоён бўлган. Сўнгги аёл оёқлари кишанланган ва қонга беланган ҳолатда кўринган. Бу мағлубият аломати эди. Император тушида ўз қўшинларидан душман қўшинлари томон югуриб ўтган қора мушукни ҳам кўрган. Туш ўнгидан келган. Эртаси куни Наполеон аскарлари иттифоқчилар қўшинлари томонидан тор-мор қилинган.

1932 йилда рэкетчилар машҳур Америка учувчиси Чарлз Линдберг (Атлантика океани устидан самолётда учиб ўтган)нинг ўғилчасини ўғирлаб кетадилар. Бундан барча дарғазаб бўлган Гарвард университетининг икки тадқиқотчиси матбуот орқали мамлакатдаги барча газетхонларга мурожаат қилиб, улардан ўз тушлари ҳақида хабар йўллашни сўрайдилар. Бундан мақсад тушлардан боланинг қай аҳволда эканлигини ва уни қаердан излашни билиш эди. Ёвузлар нобуд қилган бола жасадининг жарликдан топилгунига қадар АҚШ ва Канададан 1300та хат келган. Қизиғи шундаки, ушбу хатлардан еттитасида бола бошига тушган кулфатларни тасдиқловчи маълумотлар мавжуд бўлган.

Буюк италян шоири Дантенинг "Илоҳий комедия" асарига тааллуқли яна бир ғаройиб ҳодиса мавжуд. Муаллиф вафотидан сўнг "Жаннат" поэмасининг сўнгги қисмидаги ўн учинчи шеър матни йўқлиги маълум бўлади. Шоирнинг дўст ва танишлари Данте поэмани тугаллашга улгурмагандир, деган ўйга борадилар. Шундан сўнг улар Дантенинг ўғиллари — Якобо ва Пиеродан отасининг асарини тугаллашни илтимос қиладилар. Якобо ва Пиеро ҳам шоир эдилар. Йиллар ўтди... Кунлардан бир куни Якобо туш кўради. Ёзувчи Бокаччонинг айтишича, Данте ўғлига шеър ёзишни тўхтатишни ва ёзилган тайёр ўн учинчи шеърни қаердан топиш мумкинлигини айтган. Якобо қоқ тун ярмида уйғониб, отасининг қадрдон дўсти Пиер Жиардино уйига йўл олади ва кўрган тушини унга айтиб беради.

Тушда буюк Данте ўғлини қўлидан ушлаб ўзи илгари яшаган хонага бошлаб боради ва деворлардан бири олдида тўхтаб: "Сиз узоқ вақт излаган нарса мана шу ерда сақланади" — дейди.

Шу тундаёқ Якобо ва Жирардино Данте вафот этган уйга келишади. Якобо тушида кўрган хонани дарров танийди. Улар деворда осиғлиқ турган гобелен ортидаги токчадан бир даста чанг босган қоғоз тахламини топиб олишади. Данте қаламига мансуб ўн учинчи шеър матни мана шу қоғозлар ичида экан. Шундай қилиб, туш туфайли "Илоҳий комедия" мукаммаллик касб этади.

Тарихда туш жумбоқлари билан шуғулланган одамлар кўп бўлган. Уларнинг аксарияти чиқарган ягона хулоса мана бу: тушларга нисбатан нописанд бўлмаслик керак. Башарти, туш бизни хавф-хатардан ёхуд бошланаётган касаллик аломатларидан огоҳ айласа бунга эътибор қилмаслик номаъқулликдир. Туш танадаги аъзолар ўз мушкулотлари ва мусибатлари ҳақида ўз "тили"да хабар беради...

**И. АҲМЕДОВ тайёрлади**

## ТАБРИКЛАЙМИЗ!

"Фарғона почтаси" АЖ Бешариқ филиали ва касаба уюшмаси қўмитаси жамоалари корхона почтачиси **Алижон ШОМУРОДОВ**ни қутлуғ 50 ёши билан қизғин муборакбод этади. Унга сиҳат-саломатлик, оилавий бахт, келгуси ишларида муваффақиятлар тилайди.

## ҚОРАҒАТ



**Қорағат (смородина)** аскорбин кислотаси (С витамини)га жуда ҳам бой. Унинг меваси узоқ вақт сақланганда ҳам таркибидаги аскорбин кислотаси йўқолмайди.

Бу мева таркибида шунингдек $B_1$, $B_2$, $B_9$, Р, К витаминлари, органик кислоталар (олма ва лимон кислоталари), провитаминлар (организмда витамин ҳосил қиладиган моддалар), пектинлар, қон қуюлишини меъёрлаштирадиган ҳамда жигар ва буйрак фаолиятини яхшиловчи моддалар ҳам мавжуд.

Бундан ташқари, қорағат таркибида магний, калий ва камқонликнинг олдини олувчи темир моддаси каби фойдали минераллар ҳам бор. Цинга касаллиги, қон кетиши ва қон томирлари, ревматизм ва бошқа жуда кўп касалликларни даволашда қорағатдан фойдаланилади. Таркибида С витамини кўплиги учун буйрак фаолиятини яхшилайди. Ақлий ва жисмонан чарчаганда, беҳол бўлганда, қон босими кўтарилганда,

BILASIZMI?

юқумли ва бошқа касалликларнинг олдини олишда жуда яхши самара беради.

Мевасидан ташқари, барги ва куртаклари ҳам витаминга бой. Барг ва куртакларини эрта баҳорда ёки кеч кузда йиғиш фойдалидир. Куритилган баргида ҳам С витамини яхши сақланади.

Гриппга чалинганда бир чой қошиқ қуритилган қорағат куртаги, бир стакан қайноқ сувга 20 дақиқа дамлаб қўйилиб оғиз ва томоқ чайилади.

Баргларидан дамланган чой сийдик ҳайдовчи ва терлатувчи хусусиятга эга. У Тибет табобатчилигида тери касалликларини даволашда ҳам қўлланилади.

**Б.ШУКУРУЛЛАЕВ тайёрлади**

## ХАНДАЛАР

***Эр овдан қайта туриб уйига қўнғироқ қилди:***

***— Хотинжон, бу мен, овдан келяпман.***

***— Бўрими, тулки, дадаси?***

***— Ҳаммаси жойида, энди бир ойгача гўшт сотиб олмаймиз.***

***— Ўлжангиз шунчалик кўпми?***

***— Йўқ. Маошимни ичиб қўйдим.***

* * *

— Жаноб инспектор, бир марта қизил чироқда ўтиб кетганимга шунчалик қиласизми? Ахир, неча марталаб кўк чироқда тўхтаб турганман.

* * *

***— Бизникига синглим келаётган экан, — деди хотин эрига. — Қўнғироқ қилди. Бу ёққа келиш учун патта пулини тўплабди. Қайтишини эса бир бало қилиб...***

***Эрнинг жаҳли чиқди:***

***— Синглингга қўнғироқ қил! Яхшиси бу ёққа бир бало қилиб келсинда, тўплаган пулини қайтиши учун сақлаб қўйсин!***

* * *

— Эй, номард, чўнтагимдан нима қидиряпсан?

— М-м-мени кечирасиз, гугурт олмоқчи эдим!

— Сўрасанг ўласанми?!

— Битта гугурт чўп учун сизни безовта қилгим келмади...

* * *

**— Кеча мени шармандa қилдинг. Ҳамманинг олдида аҳмоқ дединг!**

**— Кечирасан, мен бунинг сир эканлигини билмабман.**

* * *

— Газета билан радионинг фарқини биласизми?

— Биламан, газетада ахборотни кўз орқали идрок қиламиз, радиода эса...

— Э, шуниям билмайсизми, радиога колбасани ўраб бўлмайди.

* * *

**— Бефаросатлар, — деди хонанда жаҳл билан, — менга учта гулдаста тутқазишди-я?**

**— Яхши-ку, нега хафа бўляпсан?**

**— Ахир, мен тўрттага пул берган эдим.**

МУАССИС: Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги

Бош муҳаррир: Орифжон МУҲАММАДЖОНОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Иззат АҲМЕДОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Шомансур ОБИДХЎЖАЕВ
Миродил САНГИЛОВ
Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб)
Раҳимжон ТУРҒУНОВ
Алишер ХЎЖАЕВ
Асрор ЭШОНХЎЖАЕВ
Рустам ҚОСИМОВ
Содиқжон ҚОСИМОВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 042 рақами билан рўйхатга олинган.

Таҳририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.
*Муаллифларнинг фикрлари таҳририят фикридан фарқланиши мумкин.*
Нашримиздан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.
*Тижорий материал* — t.
Реклама матнларининг тўғрилигига таҳририят жавобгар эмас.
*Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақола муаллифи масъулдир.*
Газетани тайёрлашда Интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

**Манзилимиз:** 700060, Тошкент-60, Т. Шевченко кўчаси, 17-уй.
**Тел.:** 133-36-48; 136-35-29. **Факс:** 136-36-42. **E-mail:** orif@infonet.uz.
Нашр кўрсаткичи — 227; 228.
Жума кунлари чиқади.

Газета таҳририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
**Манзил:** Тошкент шаҳри, "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

666-G сонли буюртма.
Офсет усулида босилди.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 2 босма табоқ.
Адади 6475 нусха.

Ахборот ҳамкоримиз UzInfoCom маркази.

Саҳифаловчи: Ш.КИМСАНБОЕВ.

Матн терувчи: Д.МАТҚУРБОНОВА.

Босишга топширилди — 20.00. Босишга топширилиш вақти — 20.00.